

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ БОБИР ОРТИКМИРЗАЕВИЧ**

**КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**  
**ОМИЛЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**  
**(Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on economic sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Турсунов Бобир Ортикмирзаевич**

Корхона фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш (Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари мисолида)..... 3

**Турсунов Бобир Ортикмирзаевич**

Эффективное использование производственных факторов в совершенствовании управления деятельностью предприятия (на примере производственных мощностей текстильных предприятий) ..... 25

**Tursunov Bobir Ortikmirzaevich**

Effectively usage of production factors in enhancement of enterprises' management (on the example of textile enterprises' production capacity) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВ БОБИР ОРТИКМИРЗАЕВИЧ**

**КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**  
**ОМИЛЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**  
**(Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватлари мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Iqt400 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилида жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Йўлдошев Нуритдин Қурбонович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рахимова Дилфуза Нигматовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Зохидов Азамат Ахмаджанович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [rector@tsue.uz](mailto:rector@tsue.uz)

Диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [rector@tsue.uz](mailto:rector@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Ю. Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, и.ф.н., доцент

**У.В.Ғафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тарихида саноат ишлаб чиқариш омилларини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқариш борасида бой тажриба тўпланган бўлса-да, йирик саноат компанияларида мавжуд ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имкониятлари тўлиқ ўзлаштирилмаган. «Жаҳон товар айланмасининг 5,2 фоизини, саноат маҳсулотлари экспортининг 6,1 фоизини тўқимачилик саноати маҳсулотлари ташкил этади»<sup>1</sup>. Ушбу тармоқда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 2018 йил якунига кўра «Ҳиндистонда 88,0, Нидерландияда 81,2, Хитойда 81,0, Туркияда 78,9 фоизни»<sup>2</sup> ташкил этади. Жонли меҳнат сиғими юқори бўлган бошқа ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич янада пастлиги кузатилади.

Жаҳонда илмий тадқиқот марказлари томонидан тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни оптималлаштириш, корхонада ресурсларини бошқариш, тўқимачилик корхоналарида маҳсулот етказиб бериш занжирини такомиллаштириш йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда бошқарув қарорларини қабул қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришда замонавий MRP II, ERP автоматлашган бошқарув тизимларини жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни (ИЧҚФ) стратегик режалаштириш, корхонанинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тўқимачилик саноатини жадал модернизациялаш сиёсати олиб борилди. Бироқ, мамлакатимиздаги тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари ишлаб чиқилмаганлиги тўқимачилик саноатининг мавжуд ресурс захираларидан фойдаланиш самарадорлигини пасайтирмоқда. Тўқимачилик корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир этиб, киритилган инвестиция қайтимининг пасайишига олиб келмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб

<sup>1</sup> WTO. International Trade Statistics. 2019. URL: <http://www.wto.org>

<sup>2</sup> <http://www.ceicdata.com> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

берилган. Мазкур вазифаларнинг ижроси мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сон, 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Корхоналар фаолиятининг бошқарув самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича кўплаб хорижлик олимлар жумладан, F. Robert Jacobs, Richard B Chase, Cline W., Doeringer P., Crean S., Dickerson K.G., Nordas H. K., Verma S., Juyoung Lee, Xiajun A, Dorothe'e H., Mayukh D. кабилар илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар<sup>4</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада М.С.Абрютина, А.И. Белов, Г.Н. Добрин, А.Е. Карлик, М.И. Бухалков,

---

<sup>4</sup>F. Robert Jacobs (Author), Richard B Chase. Operations and Supply Chain Management: The Core 4th Edition.; Mboya J. Determinants of Competitive Advantage in the Textile and Apparel Industry in Tanzania: The Application of Porter's Diamond Model. British Journal of Economics, Management&Trade 7(2): 128-147, 2015; Cline W. The future of international trade in textiles and apparel. Washington: In.International Economics. 1992. 225.; Doeringer P., Crean, S.Can fast fashion save the U.S. apparel industry.Socio-Economic Review, 4(3), 2006.353-377.; Dickerson K.G. Textiles and apparel in the global economy. 3rd ed. NJ: M\$P-Hall.;Nordas H. K. (2004). The global textile and clothing industry post the agreement on textiles and clothing. World and I, 7.;Verma S. Export competitiveness of Indian textile and garment industry. Indian Council for Research on International Economic Relations.Working paper No. 2002.p-94.; Juyoung Lee. (2013) Competitiveness of textile and apparel industries in the United States and Japan.Iowa State University.Digital Repository@ISU.Dissertations; Xiajun A, Dorothe'e H. Assortment planning for vertically differentiated products.Production and Operations Management Society.Vol. 21, No. 2, March-April 2012, pp. 253-275; Mayukh D. Brand vulnerability to product assortments and prices. Journal of Marketing Management, 2013 Vol. 29, Nos. 7-8, 735-754;

В.Н. Васильев, О.С. Виханский, А.И. Наумов, М.В. Дадалова ва К.С. Кривякин сингари олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш масалаларига Н.С.Зиядуллаев, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Н.Қ.Йўлдошев, У.А.Шодмонова, Г.Э.Заҳидов, Р.С.Муратов, А.А.Тилляходжаев, З.А.Хакимов, С.Ш.Юсупов, О.Давронов ва бошқа иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари бағишланган<sup>6</sup>.

Санаб ўтилган олимларнинг менежмент фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, бугунги кунгача корхона фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш борасида ягона нуқтаи назар ишлаб чиқилмаган, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш шарт-шароитларини шакллантириш ва уларни қўллаб-қувватланишига комплекс ёндашувлар тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928153 «Корхоналарни инновацион ривожланиш шароитида вертикал интеграциядан самарали

<sup>5</sup>Абрютина М.С. Экономика предприятия: учеб. / М.С. Абрютина. —М.: Делоисервис, 2004; Белов А.И. Экономика организации (предприятия): Практикум / А.И. Белов, Г.Н. Добрин, А.Е. Карлик; Под общ.ред. проф. А.Е. Карлика. - М.: ИНФРА - М, 2003; Бухалков М. И. Планирование на предприятиях машиностроения. Учебное пособие. - Самара: СамГТУ, 1995. - 56 с.; Васильев, В.Н. Организация производства в условиях рынка / В.Н. Васильев. - М.: Машиностроение, 2003; Виханский О.С, Менежмент: Учебник / О.С. Виханский, А.И. Наумов. – 3-е изд. - М.: Гардарики, 1999. - 528 с.; Дадалова М.В. Управление производственной мощностью на предприятиях стекольной промышленности. Дисс. на соискание ученой степени канд.э.наук. Белгород, 2009г.; Кривякин К.С. Организация эффективного использования производственных мощностей на машиностроительных предприятиях. Дис.на соискание уч.степени к.э.н. - Воронеж, 2010г.

<sup>6</sup>Зиядуллаев Н.С. Легкая промышленность Узбекистана. Монография. -Т.: -136с. 1970 г.; Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: кластерный подход. Монография. – Ташкент: ТГЭУ, 2006. – 112 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005.–35 б.; Н.Қ.Йўлдошев, М.Р.Болтабаев, О.К.Рихсимбоев, Б.О.Ғаниев Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2003, -102 б.; У.А.Шодмонова Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида енгил саноатнинг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: 2006. -149 б.; Муратов Р.С. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси истеъмол учун енгил саноат маҳсулотлари ассортиментини шакллантиришнинг регионал аспекти. 08.00.11 – «Маркетинг» ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2006. – 200 б. Тилляходжаев А.А. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада маркетинг фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари / Электрон илмий журнал «BIZNES-ЭКСПЕРТ» ; Хакимов З. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. 08.00.11 – «Маркетинг» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 156 б.; Юсупов С. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. 08.00.13 – «Менежмент» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 152 б.; Давронов О. Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. 08.00.03–«Саноат иқтисодиёти» ихтисослиги. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2018. – 139 б.

фойдаланиш йўллари» мавзусидаги амалий лойиҳа (2018-2020 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қўйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишнинг назарий жиҳатларини ўрганиш;

тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришда ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш ва самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

Ўзбекистон тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишнинг мавжуд ҳолати, динамикаси ва истиқболларини таҳлил қилиш;

тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини, бошқариш даражасини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва эконометрик таҳлиллар асосида комплекс баҳолаш;

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни оптимал бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини ошириш борасида илмий, услубий, амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш жараёнларида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, эмпирик баҳолаш, иқтисодий-математик, омилли таҳлил, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, статистик ва эконометрик таҳлил, кластер таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини интенсив ошириш бўйича оптимал стратегик қарорларни танлаш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини сифат ва миқдорий усуллар орқали комплекс баҳолаш мезони жами техник жиҳозлар умумий самарадорлиги кўрсаткичлари (Overall Equipment Effectiveness)ни ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг функционал модели дастгоҳларга техник хизмат кўрсатишнинг тизимли ёндашуви (Total productive maintance) ва тежамкор



ишлаб чиқариш (Lean production) концепциясининг «5S» (sort, set in order, shine, standardize, sustain) тамойилларини татбиқ этиш асосида такомиллаштирилган;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигининг 2019–2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган..

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан бозор талабига мос равишда фойдаланиш имконини берадиган бошқарув шаклини амалга оширишнинг услубий ёндашуви таклиф этилган;

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришда экспертларнинг субъектив билимлари ва тажриба базасини шакллантириш ҳамда иерархияларни таҳлил қилиш усулидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни оптимал бошқариш бўйича қарор қабул қилишнинг услубий ёндашуви таклиф этилган;

тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришга тежамли ишлаб чиқариш концепциясининг «5S» моделини тўқимачилик корхоналарига татбиқ қилиш самарадорлиги асослаб берилган;

тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш имкониятини таъминловчи кластер таҳлил усулига асосланган методологик ёндашув таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколати давлат ташкилотлари томонидан маъқуланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар республика тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ва бошқаришга доир ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши билан белгиланади. Тадқиқот натижалари тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларидаги менежмент муаммоларининг концептуал асосларини такомиллаштиришда, соҳанинг қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялардан республика тўқимачилик корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш режаларини тузиш ва бизнесни бошқаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Менежмент», «Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш», «Ишлаб чиқариш менежменти», «Операцион менежмент» сингари фанлардан ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Корхоналар фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини интенсификациялаш бўйича оптимал стратегик қарорларни танлаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 3 июндаги 04/06-2579-сон маълумотномаси). Натижада «Мега текстиль» хорижий корхонасида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини 5,8 фоизга, «Наманган тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятида 7,4 фоизга ва «МРТ текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасида эса 6,0 фоизга оширишга эришилган;

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини сифат ва миқдорий усуллар орқали комплекс баҳолаш мезонини жами техник жиҳозлар умумий самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисобга олиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда фойдаланилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 3 июндаги 04/06-2579-сон маълумотномаси). Натижада «Мега текстиль» хорижий корхонаси, «Наманган тўқимачи» масъулияти чекланган жамияти ва «МРТ текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланган;

тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг функционал моделини дастгоҳларга техник хизмат кўрсатишнинг тизимли ёндашуви ва тежамкор ишлаб чиқариш концепциясининг «5S» тамойилларини татбиқ этиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 3 июндаги 04/06-2579-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини 2018 йилда 2017 йилга нисбатан мос равишда: «Мега текстиль» хорижий корхонасида 6,0 фоизга, «Наманган тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятида 5,5 фоизга ва «МРТ текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасида эса 5,0 фоизга оширишга имконият яратган;

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг 2020–2025 йиллар учун ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси фаолиятини стратегик ривожлантириш амалиётига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 3 июндаги 04/06-2579-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз кўрсаткичлари асосида 2020–2025 йиллар учун «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги тўқимачилик корхоналарининг

ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш стратегияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация натижалари бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 16 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни бошқаришнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини бошқаришнинг илмий асослари, қувватлардан фойдаланиш самарадорлиги омиллари, корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш хусусиятлари назарий-услубий жиҳатдан изоҳлаб берилган.

Замонавий иқтисодиётда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати деганда, ҳақиқатда мавжуд ва эришиш мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми тушунилади. Ишлаб чиқариш қуввати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш муаммоси эса жуда кўп қиррали ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқаришнинг деярли барча асосий муаммолари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозим бўлган муаммодир. Ишлаб чиқариш қуввати иқтисодий жиҳатдан корхоналар ва уларнинг таркибий тузилмаларининг максимал миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти, жиҳозланган меҳнат воситаларининг сони, мукамаллиги ва ишлаш қобилияти, шунингдек ишчиларнинг салоҳияти сифатида қаралади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш деганда бир неча ўзаро боғлиқ функциялар: ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни таҳлил қилиш, асбоб-усқунанинг сони ва техник даражасини баҳолаш, ишлаб чиқариш қувватини ривожлантиришни режалаштириш, мотивациялаш ва назоратни амалга ошириш тушунилади.

Муаллиф фикрича, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлиги мавжуд ишлаб чиқариш ҳажми ёки қабул қилинган ишлаб чиқариш қувватларда технологияларнинг мутаносиб

равишда иш билан таъминланганлиги даражасини баҳолаш орқали улардан максимал фойдаланишни ташкил этишга қаратилган ҳаракатлар сифатида талқин этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш жараёнининг моҳиятини ташкилий-бошқарув хусусиятига эга фаолият турларининг, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш майдонлари, технологиялари ва меҳнат ресурслари ва уларнинг қобилиятларидан фойдаланиш жараёни оқилона уйғунлашув шарт-шароитларини белгилловчи механизмлар ва усулларнинг жами ўзаро боғлиқ турлари сифатида очиқ бериш имконини бердики, уларнинг амалга татбиқ этилиши истеъмолчиларнинг ишлаб чиқариладиган маҳсулот ассортименти, сони ва сифатига бўлган талабларини қондирилишига ёрдам беради.

Юқорида баён этилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқаришга муаллиф ўз ёндашувлари асосида бир қатор тамойилларга таянишни таклиф этади. Мазкур тамойиллар турли йўналиш ва жараёнларда ривожланади. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг материал сифимини режалаштириш ва меъёрлаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган меъёр ва нормативларини ишлаб чиқиш, «эски» ва «янги» маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив нисбатларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади. Шунга асосан, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқариш мутаносиблик, комплекслилик, мослашувчанлик, фарқланиш, тежамлилик каби бошқарув тамойилларига асосланиши лозим (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни бошқариш тамойиллари<sup>7</sup>

Тамойил	Тамойилнинг мазмуни
Мутаносиблик	Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида элементлари уйғунлиги бўлиб, уларнинг бир-бирига миқдор нисбатида ўз ифодасини топади
Комплекслилик	Корхонанинг ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг ўзаро боғлиқ ташкилий-бошқарув, техник-технологик ва иқтисодий жиҳатларини ягона интеграциялашган бир бутунлик деб ҳисоблаш
Мослашувчанлик	Янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш қувватларини ва воситаларини минимал даражада сарфлаган ҳолда тезда қайта созлаш
Табақаланиш	Ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланишни ташкил этиш жараёнини алоҳида қисмларга – жараёнлар, операцияларга ажратиш ва уларни корхонанинг тегишли таркибий тузилмаларига бириктириш
Тежамлилик	Олдинга кўйилган мақсадга эришиш учун минимал ресурслар сарфланишини тақозо этадиган жараённи ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш ва уни бошқариш

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг асосий мақсади – ички ишлаб чиқариш захиралари ва ташқи корхоналарнинг қувватларини жалб қилиш орқали уни ошириш имкониятларини инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш элементларидан мослашувчан тарзда фойдаланишни таъминлашга кўмаклашувчи бозор талаби ва зарур ишлаб чиқариш қувватлари қиймати ўртасида энг мақбул мутаносибликни аниқлашда ўз аксини топади. Ушбу ҳолатлар эса корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини бозор талабларига мутаносибликда амалга ошириш имконини беради.

Иерархик тизим асосида ИЧҚФ самарадорлигини ошириш стратегиясини шакллантиришнинг бирламчи бўғини бошқарувнинг асосий тамойиллари ҳисобланган режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш функцияларини ўз ичига олувчи элементлардан самарали фойдаланишга қаратилади. Юқорида баён этилган фаолият йўналишлари даврий хусусиятга эга бўлиб, бунинг натижасида бошқарув субъекти тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда корхона эришилган режа кўрсаткичларига ҳамда ички ва ташқи муҳити омилларига таянади (1-расм).



1-расм. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми<sup>8</sup>

Бошқарувда стратегик қарорларни қабул қилиш учун мақсадлар тизими доим ҳам муайян шаклга эга бўлмайди. Бундан ташқари, аввал қарор қабул қилиш учун зарур бўлган мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилиши лозим. Шу

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмаси

билан бирга, битта иерархия даражасида жойлашган омилларнинг ўзаро мутаносиблигига эришиш таҳлил усуллари таянади.

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш жараёнига таъсир этувчи омилларнинг мутаносиблигига эришишга қаратилган стратегияни шакллантиришда эса менежментнинг самарали стратегик таҳлил усуллари фойдаланиш талаб этилади.

Диссертациянинг «**Наманган вилоятининг тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқаришни ташкил этиш таҳлили**» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон тўқимачилик саноатини модернизация қилиш жараёнлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳамда соҳа фаолиятини бошқариш жараёнларининг мавжуд ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек, тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш жараёни эконометрик таҳлиллар асосида баҳоланиб, муаммолар аниқланган.

Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноати иқтисодиётнинг тез ривожланаётган тармоқлардан бири бўлибгина қолмай, балки чет эл инвестицияларини жалб қилиш, маҳсулот экспорт қилиш борасида етакчи соҳа ҳисобланади. Мустақилликнинг биринчи йиллариданок, Ўзбекистон ҳукумати томонидан соҳани бошқаришда, асосан, пахта хом ашёси етиштириш ҳажмини янада ошириш ва уни чуқур қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тўлиқ технологик циклда ишлайдиган янги тўқимачилик корхоналарини қуриш ва фаолият юритаётганларини модернизация қилиш бўйича 300 дан ортиқ (ип йиғиришдан тортиб, то ички ва ташқи бозорда бирдек талаб катта тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача) лойиҳа амалга оширилди.

Республиканинг тўқимачилик саноати жадал ривожланишини, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни кейинчалик йирик хориж бозорларига олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил бажариш мақсадида тўқимачилик саноати соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Амалга оширилаётган мақсадли дастурлар республикада пайпоқ ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2008 йилдаги 18,4 фоиздан 2018 йилда 74,4 фоизгача, трикотаж маҳсулотлари бўйича мос тартибда 25 фоиздан 82,4 фоизгача, хом ипак ип ишлаб чиқариш бўйича – 50,0 фоиздан 68,1 фоизгача, тайёр ипак ип ишлаб чиқариш бўйича эса, 29,4 фоиздан 78,3 фоизгача кўтарилди<sup>9</sup>.

Бироқ республикада фаолият юритадиган тайёр пахтали ип газламалар ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2018 йилда 2008 йилга нисбатан 63,7 фоиздан 60,1 фоизгача пасайди. Республиканинг ип газламалар ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ йирик корхоналари банкрот бўлди ва ўз фаолиятини тўхтатди. Пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича республиканинг йирик корхоналари ўз ишлаб чиқариш

<sup>9</sup> <http://www.urugmarkaz.uz/event/25>

қувватларидан 74,4 фоизга, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари 82,4 фоизга, пахта толасини қайта ишлаш корхоналари 88,7 фоизга фойдаланмоқда (2-жадвал).

2 -жадвал

**Ўзбекистон Республикасида йирик тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси<sup>10</sup>**

Кўрсаткичлар	Фоизда, (%)					
	2008 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Пайпоқ маҳсулотлари	18,4	22,4	97,6	64,2	66,4	74,4
Трикотаж маҳсулотлари	25,0	62,8	56,5	79,3	85,1	82,4
Тайер мато иплари	60,1	76,1	76,6	55,2	62,7	65,3
Хом ипак иплар	50,0	59,9	93,3	68,1	55,2	68,1
Тайёр ипак иплар	29,4	59,0	57,5	77,9	82,3	78,3
Пахта толаси	74,3	77,2	75,7	87,2	88,2	88,7

Ушбу ҳолатлар ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш имкониятларини аниқлаш бўйича мақсадли стратегияни амалга ошириш учун долзарб муаммоларни аниқлаш ва улар бўйича мақсадли стратегияни белгилаш заруриятини янада оширди.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолатини ифодаловчи тизимлаштирилган омиллар асосида тадқиқотнинг асосий объекти сифатида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси бўйича кластер таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда танланган Наманган вилоятидаги жами 60 та корхонада ишлаб чиқариш қувватларига таъсир этувчи омилларнинг аҳамиятлилигини аниқлаш бўйича имитацион модель таклиф этилди.

$$kPC = f(W, kt, dAM, dMZ, R, LP, ObZ) \quad (1.1)$$

бунда:

$kPC$  – ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб, соҳа салоҳиятига нисбатан ҳисоблаб чиқилади, эрксиз ўзгарувчи;

$W$  – битта ходим бўйича ҳисобланган йиллик иш ҳақи даражаси;

$kt$  – ходимларнинг ўртача йиллик сони;

$dAM$  – ишлаб чиқариш таннархида амортизациянинг улуши;

$dMZ$  – ишлаб чиқариш таннархида моддий харажатлар улуши;

$R$  – реализация қилинган маҳсулот рентабеллиги;

$LP$  – меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи;

$ObZ$  – ишлаб чиқариш захираларининг айланувчанлиги кўрсаткичи;

Омилларнинг аҳамиятлилигини аниқлаш бўйича иккита муқобил вариант синаб кўрилади:

1) моделнинг чизиқли шакли. Бу модель ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигининг омил кўрсаткичлари қиймати ошишига жавобан пропорционал равишда ортиши ёки камайишини имитация қилади;

<sup>10</sup> Манба: жадвал материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2) моделнинг даражали шакли. Бу модель ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлигининг омил кўрсаткичлари қиймати ошишига жавобан ортиши ёки камайиши жадаллиги ўзгаришини тавсифлайди.

Энг кичик квадратлар усули асосида олинган моделнинг чизиқли шакли натижалари танланган омиллар бўйича қабул қилинган қийматларнинг статистик аҳамиятлилиги бўйича кореляциясини текшириш натижалари асосида моделдан иккита омил ( $W$ ,  $LP$ ) чиқарилди ва қуйидаги функция олинди:

$$kPC = -0,0078 + 0,0389W + 0,00151LP \quad (1.2)$$

$$R^2 = 95,1; F = 158,9; p = 0,00$$

Хосил бўлган модель боғлиқликни имитация қилади, яъни бир ходимга ҳисобланган иш ҳақи миқдорининг 1000 сўмга ошиши соҳа салоҳиятига нисбатан ҳисобланган ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичининг 3,89 фоиз пунктга ортишига олиб келади. Бир вақтда меҳнат унумдорлигини 1000 сўмга ортиши натижа кўрсаткичининг 1,51 фоиз пунктга ортишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларининг белгилловчи омилларга боғлиқлиги даражали модели Statistica 9 дастури асосида олинган функция қуйидагича бўлди:

$$kPC = -3,540 + W^{0,41} + dAM^{0,378} + R^{-0,398} + LP^{0,61} + ObZ^{0,56} \quad (1.3)$$

$$R^2 = 0,82; F = 186,3; p = 0,00;$$

Даражали моделнинг параметрлар бўйича олинган натижаларига кўра регрессия коэффиценти 0,944 ни, моделнинг тушунтириш қиймати 95,1 фоизни ташкил этади, бу чизиқли модель учун белгиланганидан анча юқори ҳисобланиб, модель натижаларининг аҳамиятли эканлигини тасдиқлади.

Натижалардан маълумки, меҳнат унумдорлиги ошганда тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлиги энг жадал суръатда, яъни 0,61 фоизга ошади. Кейинги омил, ишлаб чиқариш захираларининг айланувчанлигини 1 фоизга ошиши боғлиқ ўзгарувчининг 0,56 фоизга ошишига олиб келади. Меҳнатни рағбатлантириш омили – ижобий таъсир аҳамияти бўйича навбатдаги омилдир: иш ҳақининг бир йилда 1 фоизга ошиши ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичининг 0,41 фоизга ошишига олиб келади.


Модел натижалари ишлаб чиқариш таннархида амортизация улуши 1 фоизга ошиши ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичининг 0,38 фоизга ошишига олиб келиб, ушбу ресурсдан етарлича фойдаланилмаётганига ишора қилади. Реализация қилинган маҳсулот рентабеллигининг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичига таъсири салбий бўлиб, унинг 1 фоизга ошиши тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичини 0,4 фоизга пасайтиради.



Диссертациянинг «Тўқимачилик корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари» деб номланган учинчи бобида тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари таклиф этилган. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш механизми ва ишлаб чиқариш дастурини оптималлаштириш модели асосида қувватлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари таклиф этилган.

Жаҳон амалиётида тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш учун кўплаб ёндашувлардан фойдаланилган бўлса-да, уларнинг айримларигина ўзининг ижобий самарасини берган. Мураккаб операцияларнинг самарадорлигини оптималлаштириш учун ушбу жараёнларнинг барча таркибий қисмлари доимий ҳаракатини, ўзаро таъсирлашиш жараёнларини (хом ашё билан таъминлаш, жараённи бошқариш, сифат, ишончлилик, чиқиндилар, тайёр маҳсулот, етказиб бериш ва синов) мутаносиб бошқаришни талаб этади.

Муаллиф томонидан тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини сифат ва миқдорий усуллар асосида комплекс баҳолаш усули таклиф этилган ва улар бўйича омиллар тизими шакллантирилиб, комплекс баҳолашнинг методологик ёндашуви таклиф этилган (2-расм).



2-расм. Тўқимачилик корхоналарининг ИЧҚФ самарадорлигини комплекс баҳолашнинг методологик ёндашуви<sup>11</sup>

Ишлаб чиқариш жараёни қандай кечишини тушуниш ва унинг самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган чекловларни аниқлаш учун хорижий давлатларда ОЕЕ (Overall Equipment Effectiveness – ишлаб чиқариш

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси

воситаларининг умумий самарадорлиги) кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич самарадорликнинг ишлаб чиқариш жиҳатларини, маҳсулот чиқишини ва сифатини оптимал бошқаришнинг муносиб шаклларида биридир. ОЕЕни ҳисоблаб чиқиш катта маҳорат талаб қилмайди. Бу кўрсаткич учта ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш соҳасини бир соҳага шундай бирлаштирадики, у умумий натижани акс эттиради.

Тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги даражасини баҳолаш услубияти Наманган вилоятининг учта тўқимачилик корхонасида 2017 йилги ҳисоб-китоб ва статистика маълумотлари асосида амалга оширилиб, натижалари 3-жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал маълумотларига кўра, «Наманган тўқимачи саноат» МЧЖ, «МРТ текстиль» МЧЖ ХК, «Мега текстиль» ХКнинг йиғма кўрсаткичлари тегишли равишда 0,68, 0,46 ва 0,37 га тенг. Баҳолаш натижалари «Наманган тўқимачи саноат» МЧЖда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш қониқарли даражада, «МРТ текстиль» МЧЖ ХК ва «Мега текстиль» ХКда ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш қониқарсиз даражада ва бу ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини ошириш заҳираси борлигидан далолат беради.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, ИЧҚСФ бошқариш жараёнларида унинг таркибий қисмларидан оқилона фойдаланиш ва мувозанатлашган тарзда ташкил этишни таъминловчи зарурий шароитларни яратиш орқали самарали фойдаланиш имкони мавжуд. Айниқса, корпоратив руҳ ва корпоратив маданиятни шакллантириш йўналишлари бўйича корхоналарда деярли ишлар амалга оширилмаган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Тўқимачилик корхоналарининг 2018 йилда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини сифат ва миқдорий усуллар асосида комплекс баҳолаш натижалари<sup>12</sup>

Корхона номи	ИЧҚБ сифати коэффициенти	ИЧҚБ миқдорийлиги коэффициенти	Интеграл кўрсаткич	Баҳонинг мазмуни
«МРТ текстиль» МЧЖ ХК	0,50	0,43	0,46	Қониқарсиз
«Наманган тўқимачи саноат» МЧЖ	0,77	0,61	0,68	Қониқарли
«Мега текстиль» ХК	0,41	0,34	0,37	Қониқарсиз

Юқоридаги бошқарув қарорларини қабул қилиш «МРТ текстиль» МЧЖ ХК ва «Мега текстиль» ХК корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни бошқариш самарадорлигини ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилиш кераклигини билиш имконини берди:

корхоналарда оператив-календар режалаштиришни жорий этиш;

<sup>12</sup> Корхона маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

ходимлар мотивациясини ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати натижаларига кўра амалга ошириш механизмини жорий этиш;

бошқарув ҳисоби юритилишида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ражасининг мониторингини амалга ошириб бориш;

корхонанинг ривожланиш стратегиясини яратиш асосида бошқарув мақсадларидан келиб чиқиб, стратегик харитани ишлаб чиқиш;

корпоратив рух ва корпоратив маданиятни ривожлантириш орқали кадрлар кўнимсизлигининг олдини олиш;

«тежамкор ишлаб чиқариш» тамойилининг элементи ҳисобланган «5S» ни жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш;

ишлаб чиқариш дастурларини мунтазам оптималлаштириш, замонавий MRP II ва ERP ишлаб чиқариш ҳисобини юритувчи бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш.

Юқорида эътироф этилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, муаллиф томонидан тўқимачилик корхоналарида ИЧҚФ самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ва жаҳон мамлакатларида самарали фойдаланилаётган ишлаб чиқариш жараёнининг сифати ва маданиятини ошириш элементи ҳисобланган тежамкор ишлаб чиқариш концепциясининг «5S» (саралаш, тартибга амал қилиш, тоза сақлаш, стандартлаштириш, такомиллаштириш) ташкилий тизимини ҳамда Total productive maintance (TPM))ни жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосланди (3-расм).



**3-расм. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш модели<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмаси

Муаллиф «5S» моделини тўқимачилик корхоналарида ходимнинг меҳнат унумдорлигини ошириш орқали ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи бошқарув тамойили сифатида қабул қилиш лозим деган хулосага келган.

